



ЎЗБЕК ТУРКМАН ТИЛЛАРИНИНГ ФОНЕТИК ТИЗИМИДАГИ ЎХШАШЛИК ВА БАЪЗИ ФАРҚЛАР

Буранова Шахиста Менглибаевна

Ажсиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти, педагогика фанлари номзоди доцент

Юсупова Гулара Атахановна

Ажсиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти Ўзбек тили кафедраси доценти, (PhD)

Худаярова Мухаббат Тажимуратовна

Ажсиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти, Ўзбек тили кафедраси доценти, (PhD)

Аннотация. Мақолада ўзбек ва туркман тилларининг фонетик тизимидаги умумий ўхшашликлари ва фарқли томонлари тадқиқ этилиб, мисоллар асосида изоҳланди.

Калит сўзлар: фонетика, туркий тиллар, ўзбек тили, туркман тили, унли товушлар, ундош товушлар, таржима, қиёсий таҳлил, фонетик қонуниятлар.

Аннотация. В статье рассматриваются общие сходства и различия в фонетической системе узбекского и туркменского языков и объясняются их на примерах.

Ключевые слова: фонетика, тюркские языки, узбекский язык, туркменский язык, гласные, согласные, перевод, сравнительный анализ, фонетические законы.

Аннотатион. Тҳе артисле ехаминес тҳе генерал симиларитиес анд дифференсес ин тҳе пҳонетис сйстем оф тҳе узбек анд туркмен лангуагес анд ехплаинс тҳем витҳ ехамплес.

Кей wordс: пҳонетисс, туркис лангуагес, узбек, туркмен, vowelс, сонсонантс, транслатион, сомпаративе анализис, пҳонетис лавс.

Миллатларнинг бир-бирига яқинлашуви – бири иккинчисидан ўрганишда бадий таржиманинг роли ғоят улуғдир, чунки турли миллат вакиллари бадий адабиёт орқали бири иккинчисининг тарихи, маданияти, этнографияси каби қатор масалалари билан яқиндан танишадилар, уларни ўз она тилларида ўқиб, ҳаётини сабоқ оладилар. Айни мақсадда, «Туркистон вилоятининг газети» ходими маърифатпарвар Саттархон (1848-1901) бадий таржиманинг зарурлигини алоҳида таъкидлаб, камолат ҳосил қилиб бораётган ҳар бир халқ бошқа бир халқнинг тилидаги илмини, имкони



борича, андин ўз халқи баҳраманд бўлсин учун ўз тилига таржима қиладурлар¹.

Шу боисдан ҳам таржима адабиёти туркий халқлар санъати тарихидан оригинал ёзма адабиёти билан барча ривожланиб келди ва унинг ажралмас қисми бўлиб қолди. Туркман тили туркий тилларнинг ўғуз группасига мансубликдан фонетик жиҳатдан унлиларнинг миқдори ва сифати жиҳатдан фарқ қилади: Ўзбек адабий тилида унли товушлар олтига: **и, э (е), а, о, у, ў**. Туркман тилида унлилар 9 та: **а,э,и,ы,о,ө,е,у,ү**. Туркман тилида ҳам бир харф, иккита товушни ифодаловчи 3 та графема мавжуд, улар: **ё, ю, я** графемаларидир.

Туркман тилининг ўзбек тилидан фонетик жиҳатдан асосий фарқлари-ўзига хосликлари қуйидагиларда намоён бўлади.

1. Ўзбек тилидаги жарангсиз **Т,К** ундошлари ўрнида бир қатор сўзларда жарангли **Д, Г** ундошлари ишлатилади.

Ўзбек. *Тош, темир, тенг, тепа, тери, тоғ* ва ш .к.

Туркман. *Даш, демир, ден, даг, дер*и кабилар

1. Ўзбек тилидаги жарангсиз **Ҳ** ундоши ўрнида жарангли **Ж** ундоши ишлатилади: ўзбек. *Аччиқ, аччиқданак, чучук, кучук*, туркман. *Ажы, (рус горкий) ажы дәне (урюк с горькой косточкой) сүйжи, гүжүк* ва ш .к.

Булардан ташқари **М>Б, Ғ>Г, Қ>Г** каби фонетик ҳодисалар ҳамда ўзбек тилига хос бўлган бўғиз товуши **Ҳ** ундошининг йўқлиги билан фарқ қилади:

Муз-буз, боғ-баг (рус. сад), қыз-гыз, (девочка), қулоқ-гулак, қўшмоқ-гошмак кабилар.

Хуллас, ўзбек ва туркман тиллариаро фонетик жиҳатдан қатор умумийлик, мавжудлиги билан бир қаторда айрим ўзига хосликлар ҳам учрайди: **Ҳ, Ғ, Қ** ва ш.к. Таржимада бу товушларнинг маъно фарқлаш жиҳатлари (хуш-хуш) га эътибор берган ҳолда ўз она тилига ўгириш таржимон масъулиятини тақозо қилади. Зеро, таржима муаммосининг асоси сўз танлаш, муқобил лексема қўллаш экан, сўзнинг фонетик қурилишини-бирор харфнинг маъно фарқлаш хусусиятларини фарқлаш керак.

Ўзбек, туркман тилларининг ўзаро муносабатини, улардаги умумийлик ва фарқли томонларини лексик-семантик планда П.Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романининг туркман тилига «Йылдызлы гижелер» мавзусида

¹ Шарипов Ж. Ўзбекистон таржима тарихидан. «Фан», Тошкент, 1965, 7-бет



Шадурды Чарыевнинг туркман тилига ўгирмасидан сараланган фактлар таҳлилида кўриб чиқамиз.

Ш.Чориев ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига оид кўпгина туркманча луғавий бирликларни, асосан ўринли қўллаган. Чунки бадий асарда ишлатилган барча сўзлар ҳам тасвирий воситалардир. Ана шу сўзлар воситасида ёзувчи бадий асарнинг образлилигини, эмоционал-экспрессивлигини, ғоясини сўзлар воситасида ўқувчи етказиб беради, бадий асарда тасвирланаётган воқеа-ҳодисаларга ўқувчининг муносабатини ўйғотади. Бусиз бадий асар-бадий таржима ҳақида ҳам гап бўлиши мумкин эмас.²

Мисоллар:

Ўзбек. оригиналда: *қўл, қошиқ, жала, сел, қамчи, кўза, мулла, ажал, туҳмат, жар, кўкалдош, муддао*

Туркман. таржимада: *эл, чемче, чабга, сил, гамчы, куйзе, молла, ажал, төхмет, гарым, эмекдаш, ислег.*

Қиёсланг:

Оригинал	Таржима
Ажалга даво йўқ. Чопар юбормоқ Хавотирланмоқ (Ю.Т. 5, 18, 24)	Ажала чәре ёқ Чапар гөндермек Гайгы этмек. (Й.Г. 6,23,31)

Келтирилган мисоллар, қиёсий жадвалда кўрсатилган гаплардан маълум бўлишича, Шадурды Чариев оригиналдаги фонетик қурилишга мутаносибликни туркман тилига мос лексемалар билан ифодалай олган. Баъзилари ўша маънони акс эттирадиган туркман тили учун лексик меъёр ҳисобланган *чемче, чабга, ислег, чәре-ўзбек қошиқ, сел, муддао* каби. Демак, кўпгина сўзларда лексик муштараклик сақлангани ҳолда, фарқлар ҳам мавжуд: *юбормоқ-гөндермек, хавотирланмоқ-гайгы этмек* ва ш.к. Айни ҳолат ўзбек, туркман тилларида унли ҳарфларнинг миқдор-сифати билан изоҳланади: Туркман тилида унлилар 9 та, ҳамма ҳарфлар миқдори 38 та (ТСА, 38-б)³.

² Қўнгуоров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари «Фан», Тошкент, 1977, 22-бет

³ Грамматика туркменского языка. Часть. I Ашхабад 1970, стр 31-32



Табиийки, туркман ўзбек тиллари баъзи фонемаларда ўзига хосликка эга. Лекин туркман тилидаги олд қатор юмшоқ ү, ө, э унлиларининг функцияси тил олди а, тил орқа у, ў унлиларига юкланган.

Қиёсланг:

Туркман. *өзбек өйкелемек, чүй, ашгар* ва ш.к.

Ўзбек. *Ўпка, ўпкаламоқ, ўзбек, мих, ошкор* в ш.к.

Туркман тилида махсус юмшоқ унлилар мавжудлигидан ташқари бу тилда маъно фарқлаш хусусиятига эга бўлган чўзиқлик ҳам мавжудлиги билан ўзбек тилидан фарқ қилинди. Қиёсланг: туркман гөр-кўргин (посмотри), гө:р-қабр (могила); а:ч-голодный, ач-открывай; тут-держи, ту:т-тутовник, шолковица. Ўзбек-тутгин, ушлагин; -ёл (йол)-дорога, ёл-йол вырыай, вадергивай; ўзбек. юлиб олмоқ каби.

Ўзбек, туркман тиллараро фонетик фарқлар, айрим чўзиқлик, қисқаликларни тубанда мисолларда яққол кўринади. Жадвални кузатинг.

Туркман	Ўзбек
И:шчи гыз	Ишчи қиз
өйдәки китап	Уйдаги китоб
ишлемейән	Ишламайман
гөнирәк учя:н	Тўғрироқ учадиган
на:да:н адам	Нодон одам
ока:н адам	Ўқиган одам
улурак бүз	Каттароқ муз

Таржимада ана шундай хусусиятлар ҳисобга олинмаса оригиналдаги мақсадни ифодалаш қийин, албатта: ўзбекча «кўрмоқ» феълининг ўзини туркманча чўзиқ ў унлиси билан берилса, маъно ўзгаради. Шунинг учун таржимон қисқа «Ө унлиси билан берган»...қардош тилларнинг ўзида ҳам айрим сўзлар полисемияси бир-бирига қиёс қилинганда, уларда ўзига хос хусусиятлар жуда кўплигини билиб олиш мумкин.⁴

Ўзбек, туркман тиллари фонетик структурасидаги муштараклик ва фарқлар ундош товушларда ҳам мавжуд:

Туркман. *даш, дарак, гөз, дил шәгирт, чай, ашык дери* кабилар.

Ўзбек. *тош, тароқ кўз, тил; шогирт, чой, ошиқ, тери* кабилар.

3. Туркий тилларнинг бири сифатида ўзбек, туркман тилларининг грамматик қурилишида ҳам умумийлик-ўхшаш томонлар ва фарқли-ўзига

⁴ Саломов Ф..Таржима санъати. Тошкент "Фан" 1983 й. 163-бет



хосликлар ҳам мавжуд. Сўз туркумлари, сўз ясовчилар ва ш.к. бир-бирига ўхшайди. Уларнинг атамалари ҳар бир тилнинг фонетик қонуниятлари билан изоҳланадиган атамалари билан фарқланади, холос. Масалан, ўзбек адабий тилидаги кўпликни ифодалайдиган –лар кўшимчаси функциясидаги туркман тилида –лар, -лер кўшимчаси ишлатилади.

Шунингдек, келишик, эгалик, шахс, замон кўрсаткичларида ҳам турлича фонетик вариантлар ишлатилиши туркий тилларнинг фонетик қонуниятлари билан изоҳланувчи табиий ҳодисадир, албатта.

Таржимада оригиналдаги баъзи морфологик хусусиятларни беришда ҳам тавсифу таҳлил қилинаётган бу икки тилнинг ўзларига хос фарқли жихатлари, муштараклик ҳолатларига риоя қилинган: туркман тилида –га, –ге билан бир қаторда –а, –е ҳам жўналиш келишигининг морфологик кўрсаткичи ҳисобланади.⁵

Қиёсланг:

Оригиналда. *Отларга, ҳовлига, селга,*

Таржимада. *Атлара, ховла, силе* ва ш.к.

Таржимон Ш.Чарыев, ҳатто оригиналдаги баъзи ёрдамчи сўзлар, аниқроғи лингвистик терминлар берилишида ҳам туркман тилининг ўзига хос хусусиятларини ҳам кўрсата олган:

Оригиналда: *лекин, аммо, агар.* Таржимада. *Йөне, (йөне) велин, эгер.*

Булардан велин эгер, йөне туркман тилида ҳам айрим гап бўлақларини ўзаро боғлашдаги боғловчи воситалар сифатида таърифланади.⁶

Шу факт диққатга сазоворки, таҳлил қилинаётган адабий манбада ҳар икки тил учун бир хол функцияни бажарувчи грамматик ҳодисларнинг айнан берилган ўринлари ҳам учрайди:

Оригиналда:

Таржима:

-Демак, исфара ҳам ёв қўлида! *-Диймек, исфара-да ягының элине*
(Ю.Т. 24) *дүшүндир-дә?* (Й.Г. 31)

Хуллас, П.Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романининг туркман тилига «Йылдызлы гижелер» деб таржима қилиниши туркман китобхонларини ҳам туркий халқлар тарихининг XV-XVI асрларига хос воқеаларни ўз она тилида ўқиш имкониятини пайдо қилди.

⁵ Грамматика современного туркменского языка. Часть I, 1970, 107-111-бетлар

⁶ Ўша манба.



Бу ўриндаги фонетик, лексик ва баъзи морфологик муштараклик ва фарқлар учун оригинал ва таржимадан келтирилган мисоллар, бир қарашда, яқин тилларда-қардош тиллардан таржиманинг лингвистик аспектиларининг соддалигини кўрсатиш мумкин. Бироқ аслида ундай эмас. Таржимон ўзбек тилига хос айрим лингвистик ҳодисаларни беришда ўғирмада аслиятдаги мазмун, ғояни баъзан тўлиқ бера олмаган.

Туркман тилида замча-қовуннинг эрта пишар нави.

га:вун-дыня (ТРС. 136, 334) сўзларида семантик дифференциация мавжуд бўлгани ҳолда, оригиналдаги «... бир-икки тилим ҳандалак еди» бирикмаси сўз бирикмаси билан бериб, кичик бўлса-да, бир детални бузган-ногўғри таржима қилган. Матнга мурожаат қиламиз:

Аслиятда:

*Йўлда қаттиқ толиққонлиги
учун овқат емади. Фақат бир-
икки тилим ҳандалак еди-ю, уч-
тўрт пиёла чой ичди. (Ю.Т. 8)*

Таржимада:

*Фазлиддин ёлда бичак ядансоң,
гатыклы унашдан ишдемә ийемеди,
диңе ики дилим гавун ийди-де, чая зор
берди. (Й.Г. 9)*

Яна қиёсланг. Туркман. *Сөйгүли гыз*-любимая девочка бирикмаси оригиналдаги *мунглик* қиз бирикмасидаги *мунг* сўзи ўзбек тилида хазинлик, маъюслик маъноларини ифодалайди. Бунда севикли лексемаси рус. Грусть, уныния; мунгли-печальный, грустный маъносида. (ЎЗИЛ. И, 479, ЎЗРСЛ. 271)

Аёнким, ҳозирги ўзбек адабий тили учун архаик ҳисобланган, тарихий-китобий услубга хос *мунг* сўзига таржимон муқобил сўз танлаш ўрнига оригиналдаги маъносига қусур етказибди.

Аслиятда:

*-Ҳазратим, мен мунглик
қизингиз сизга худодан Шайх
Саъдийнинг умрини тилайман!
Илоҳим юзга киринг! (Ю.Т. 23)*

Таржимада:

*-Шахым, сизиң сөйгүли
сизе худадан Сады Шыхың
яшыны дилейәр. (Й.Г. 30)*

Дарҳақиқат, таржима қилишдан мақсад иккинчи тилга сўзлар тизмаси ёки гаплар силсиласини кўчириш эмас, балки уларнинг маъзида яшириниб ётган маънони рўёбга чиқаришдан иборат. Ахир, таржимон хаттот эмас-ку.

Юқоридаги мисолда таржиманинг энг муҳим проблемаси-сўз танлаш проблемаси бузилган.



Дастлабки қиёсий таҳлиллар қардош тиллардан таржима қилишда ҳам таржиманинг бадий томони билан бирга унинг умум-филологик ва баъзи лингвистик проблемалари ҳам таржимон учун энг муҳим масалалардан бири эканлигини кўрсатди.

Ўзбек, туркман тиллари генетик жиҳатдан туркий тиллар оиласига мансубликдан ҳар икки тилнинг луғат составида ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига оид умум туркий сўзлар мавжуд: бош, тил, кун, киш, сўз, тош, от, бег, сув, йугур, бўл, беш, қипчоқ, ўғуз ва шу кабилар. Бундай сўзлар бир қатор туркий халқлар тилларида асрлар давомида қўлланиб келган, ҳозир қўлланилмоқда. Бу ҳолат туркий тиллар лексикасида ўхшаш луғат умумтуркий сўзлар қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, озарбайжон, уйғур, ўзбек, туркман тилларида ҳам ўша тилларнинг фонетик қонуниятига мос ишлатилаверади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Грамматика современного туркменского языка. Часть II, 1970, 107-111-б.
2. Саломов Ғ..Таржима санъати. Тошкент “Фан” 1983 й. 163-бет
3. Шарипов Ж. Ўзбекистон таржима тарихидан. Тошкент: Фан, 1965, 7-б.
4. Қўнгуоров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. Тошкент: Фан, 1977, 22-б.
5. Миртожиев М.М. Ўзбек тили фонетикаси. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси "Фан" нашриёти. Тошкент - 2013. 424 бет.
6. Чарыяров Б., Назаров О. Туркменский язык // Языки мира: Тюркские языки. М., 1997.
7. Грунина Э. А. Туркменский язык. — М.: Восточная литература, 2005. — 288 с.
8. Xudayarova, M., & qizi Usanova, Q. M. (2023). O ‘ZBEK, RUS VA QORAQALPOQ TILLARIDA OTLARNING KELISHIK KATEGORIYALARI. CHIQUISH KELISHIGI QIYOSI. GOLDEN BRAIN, 1(4), 62-66.
9. Xudayarova, M. (2020). Qoraqalpog'iston o'zbek shevalaridagi taom nomlarining o'ziga xos xususiyatlari. TDPU ILMIIY AXBOROTLARI.
10. Mengliboevna, B. S., & Atakhanovich, M. S. (2021). Phonetic-Lexical Commonity and Characteristics in Uzbek and Karakalpak Literature Text Lexemas. Pindus Journal of Culture, Literature, and ELT, 10, 6-8.
11. Atakhanovna, Y. G., & Azada, A. (2021, May). FEATURES OF THE USE OF MIXED EDUCATION IN UZBEK LANGUAGE CLASSES. In E-Conference Globe (pp. 77-80).



12. Xudayarova, M., & Usanova, Q. (2023). "BOBURNOMA"–TARIXIY MANBA SIFATIDA. Академические исследования в современной науке, 2(4), 24-27.
13. Khodjaniyazov, E., Xudayarova, M. T., Yuldasheva, S. S., Buranova, S. M., & Kabulova, D. S. (2020). HISTORICAL BACKGROUND OF FOOD NAMES IN UZBEK DIALECT IN KARAKALPAKSTAN REGION. Journal of Critical Reviews, 7(18), 3564-3570.

